SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O‘ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 23-sentabr • Shanba • 113 (27.605) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# БОШ ВАЗИФА — МАФКУРАВИЙ ИШЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

2006 йил 22 сентябрь куни Тошкендаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг конференция залида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. «Партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва Марказий Кенгаш III ва IV пленумларининг мафкуравий ишларга оид кўрсатмалари ижросини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ таъминлашга доир вазифалари» мавзуига бағишланган ушбу анжуманда Ўзбекистон ХДП марказий сайланма органлари аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, пойтахт ва пойтахт вилояти, туман ва шаҳар кенгашларининг раҳбарлари, МК Экспертлар гуруҳи аъзолари, мафкуравий соҳа фаоллари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари ходимлари иштирок этдилар.



Семинар-кенгаш кун тартибидаги асосий мавзу юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Маъруза ва семинар-кенгашнинг бошқа ҳужжатларида **Ўзбекистон Халқ демократик партиясидаги янгиланиш жараёнларининг муҳим йўналишларидан бири — парламент озчилиги мухолифати ролини зиммасига олган партиямизнинг сўл сиёсий платформасига мувофиқ сиёсий мафкурамизни ислоҳ қилиш** эканлиги таъкидланади.

Мамлакатни демократик модернизациялашнинг ҳозирги босқичи мантиқи, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фаол жараёнлари, халқаро аҳвол мафкуравий ишлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил август ойи охирида қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг марказида айни шу масала турибди.

**Ўзбекистон ХДП миллий мафкура ва мамлакат миллий манфаатларини партиянинг сиёсий мафкурасини яратиш пойдевори, кишиларда,** айниқса ёшларда **юксак маънавиятни тарбиялашни — мамлакатда шакллантирилаётган демократия миллий моделининг асосий устуворликларидан бири, деб эътироф этар экан,** бу Президентнинг мазкур қарори қоидаларини жойларда амалга оширишга барча воситалар билан кўмаклашишни талаб этади.

**Жамиятда партиянинг ижобий имижини шакллантириш** ва **партияга янги тарафдорларни жалб этиш** вазифасини ҳал қилишга қаратилган партия мафкуравий ишлари самарадорлигини амалда қандай таъминлаш мумкин, деган савол туғилади. Яъни, дастурий мақсадлар нуқтаи назаридан, энг асосийси — бевосита электоратимиз орасида олиб бориладиган **ташқи мафкуравий вазифалар** қандай бажарилади? Семинар-кенгашда шу ва бошқа саволларга атрофлича жавоблар изланди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаеванинг партияда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиш тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Семинар-кенгаш кун тартибидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов, Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов, Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова, «Ўзбекистон овози» газетасининг Бош муҳаррири Сафар Остонов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, профессор Файзулла Мўминов, Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази директори ўринбосари Марат Хожимуҳамедов сўзга чиқдилар.

Шунингдек, семинар-анжуманда мафкуравий ишнинг бошқа йўналишлари бўйича маъруза ва ахборотлар ҳам тингланди. Семинар иштирокчиларига уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида услубий тавсиялар берилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида ишни шўъба йиғилишларида давом эттирдилар. Уларда асосий мажлисда кўриб чиқилган масалаларнинг айрим амалий жиҳатлари атрофлича муҳокама этилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



2-бет

*(Семинар-кенгаш иши ҳақидаги батафсил материаллар билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.)*

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг 19-23 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасида Ўзбекистон ва Россиянинг террорчиликка қарши биргаликдаги иккинчи машқлари ўтказилди. Маълумки, биринчи машқлар ўтган йили Ўзбекистон Қуролли Кучлари полигонларидан бирида ўтказилган эди. Бу гал эса Ўзбекистон армияси ҳарбий хизматчилари Россия Федерациясида ўтказилган машқларда иштирок этиб, ҳамкасблари билан тажриба алмашди. Ҳарбий машқларда Россия Федерациясининг Шимолий Кавказ ҳарбий округи ва ҳаво-десант қўшинларининг махсус бўлинмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг махсус ва террорчиликка қарши бўлинмалари иштирок этди. Мазкур машқларни ўтказишда Россиянинг вертолёт техникаси ва артиллерия тизимларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, машқлар доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси мудофаа маҳкамалари раҳбарлари келгуси ҳарбий-илмий ҳамкорлик дастурини тасдиқлади.

Ҳарбий машқларни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси бўлинмаларининг террорчиликка қарши биргаликдаги ҳаракатларини режалаштириш бўйича бошқарув органлари фаолиятининг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш, операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш давомида икки давлат қуролли кучлари бўлинмалари ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш тартибини синовдан ўтказиш, террорчиликка қарши операцияларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасида тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Биргаликдаги машқларнинг тантанали очилиш маросимида ҳар икки мамлакат ҳарбий делегациялари раҳбарлари сўзга чиқиб, бундай машқлар икки давлат ҳарбий хизматчилари учун фойдали эканини таъкидлади. Чунки улар тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўйича умумий вазифаларни бажармоқда.

Машқларнинг биринчи босқичида қўшинлар бирлашган гуруҳи штабининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан машғулот режасига кўра аниқланган «шартли террорчи гуруҳлар»ни йўқ қилиш бўйича махсус операция режалаштирилди. Бўлинмалар биргаликдаги махсус операцияни ўтказиш учун қабул қилинган қарорга мувофиқ ҳарбий топшириқларни бажаришга тайёрланди. Шундан сўнг қўшинлар гуруҳи ҳарбий машқлар ўтказиладиган ҳудудга йўл олди. Машқларнинг икккинчи босқичида Ўзбекистон ва Россия ҳарбий хизматчилари жангари тўдаларни аниқлаш, қуршаб олиш ва йўқ қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни амалга оширди.

Отиш машғулотлари ўтказиладиган майдонда қўшинлар гуруҳининг жанговар тайёргарлик бўйича машқлари пайтида капитан Фарҳод Солиев бошчилигидаги бўлинмамиз тоғда жойлашган шаҳарчада топшириқни бажариш борасида ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш этди. Айниқса, тоғ шароитида ўзбекистонлик ҳарбийларнинг оддий арқондан тўқилган замбилда «жароҳат» олганларни қутқариш бўйича кўникмалари ҳамкорларимизда катта қизиқиш уйғотди. Капитан Максим Шавалов ва кичик сержант Ғулом Султонов тоғ чўққисига чиқиш ва тушиш бўйича ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш этди. Шартли террорчилар томонидан босиб олинган кўп қаватли бинога ҳужум қилган катта лейтенант Равшанбек Разумов бошчилигидаги бўлинма ҳарбийлари ҳам ишончли ҳаракат қилди. Бу вазифанинг мураккаблиги шундан иборат эдики, машқ шартларига кўра «террорчилар одамларни гаровга олган» эди. Шунга қарамай, шахсий таркиб «гаровга олинганлар»ни озод этгандан сўнг «террорчилар»ни йўқ қилиш бўйича олдига қўйилган топшириқни муваффақиятли бажарди.

Бу ҳарбий машқлар икки мамлакатнинг барча жабҳалар, жумладан ҳарбий соҳада иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида амалга ошираётган ишларининг мантиқий давоми бўлди. Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари, мудофаа вазири С.Иванов ўзбек заминида биринчи бор ўтказилган шундай машқлар хусусида тўхталиб, улар россиялик ҳарбий хизматчиларга Россия Федерацияси Қуролли Кучлари бўлинмаларини тоғ шароитида ҳаракатланиш бўйича тайёрлашда кўплаб янги ва фойдали кўникмаларни ўзлаштириш имконини берганини таъкидлади.

Мазкур машқлар ўтказилиши муносабати билан Россия Президенти В.Путин 20 сентябрь куни Сочида С.Ивановнинг Россия Федерацияси Қуролли Кучларида ҳарбий тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботини тинглади ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р.Мирзаевни қабул қилди. Учрашув давомида В.Путин Россия Федерацияси Ўзбекистон билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка катта эътибор бераётганини ва келгусида ҳам бу борада илгари келишилган барча режаларга амал қилишини таъкидлади. Шубҳасиз, биз бу ҳамкорликка жуда жиддий муносабатда бўламиз ва аввал келишилган ҳамкорликдаги режаларни амалга оширамиз, — деди Россия президенти.

**Машқ майдонидан капитан Алишер БОБОХОНОВ.**

***Суратни муаллиф олган***



# КОМПАНИЯГА — ДАРОМАД, ФЕРМЕРГА — ИМКОНИЯТ

**Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари бешинчи халқаро кўргазмаси якунига етди.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси, Фермерлар уюшмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда Россия, АҚШ, Германия, Польша сингари жаҳоннинг ўн уч мамлакатидан 45 қўшма корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Унда озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ускуналари, турли русумдаги совутгичлар, кафе ва ресторанлар учун жиҳозлар, сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси намойиш этилди.

— Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсадимиз фермерларимизни жаҳоннинг етакчи компаниялари замонавий минитехнологиялари билан яқиндан таништиришдан иборат эди, — дейди Ўзбекистон фермерлар уюшмаси раиси С.Қобилов. — Фермерларимиз етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш учун зарур минитехнология ва қадоқлаш ускуналарини, трактор ва комбайнларни сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу борада корхоналар билан шартномалар тузилиб, «Пахтабанк» ва «Капиталбанк» томонидан лизинг ва кредит маблағлари билан таъминланишига келишиб олинди.

— Россиянинг Харьковский трактор заводида ишлаб чиқарилган комбайн ва тракторларидан сотиб олишни ният қилган эдик, — дейди сурхондарёлик фермер Ҳожиамир Нарзуллаев. — Ушбу техниканинг лизингга берилаётгани биз, фермерлар учун яна бир қулайликдир. Кўргазмада 110 миллион сўмлик комбайнни лизингга олиш учун банк орқали шартнома туздим.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самараларидандир.

**Бектош ИСМОИЛОВ (ЎзА)**

# ИРОДА — ЧОРАК ФИНАЛДА

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтаётган «Sunfeast Open-2006» халқаро турнирида дунёнинг кучли теннисчилари қаторида ўзбекистонлик ракетка устаси, Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова ҳам ғолиблик учун курашмоқда.

Тажрибали теннисчимиз мусобақанинг дастлабки учрашувида Хитой Тайпейи вакиласи Чиа Жунг Чуангни енгиб, навбатдаги босқичга йўлланма олган эди. Чорак финалга чиқиш учун ўтказилган баҳсда австралиялик Касей Деллакуа билан куч синашди. Мазкур беллашувда ҳам рақибасидан тажриба ва маҳорат бобида устун эканини исботлаган теннисчимиз 6:3, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Энди Ирода ярим финал йўлланмаси учун ўтказиладиган учрашувда россиялик Алла Кудрявцевага қарши кортга чиқади.



**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O‘ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ – BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# БИЗНИНГ МАФКУРА — ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ МАФКУРАСИДИР

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ЛАТИФ ҒУЛОМОВНИНГ 22 СЕНТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАР-КЕНГАШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидаги янгиланиш жараёнларининг муҳим йўналишларидан бири — парламент озчилиги мухолифати ролини ўз зиммасига олган партиямизнинг сўл сиёсий платформасига мувофиқ **сиёсий мафкурамизни ислоҳ қилишдир.**

Мамлакатни демократик модернизациялашнинг ҳозирги босқичи мантиғи, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фаол жараёнлари, халқаро аҳвол мафкуравий ишлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил август ойи охирида қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг марказида айни шу масала турибди.

**Ўзбекистон ХДП миллий мафкура ва мамлакат миллий манфаатларини партиянинг сиёсий мафкурасини яратиш пойдевори, кишиларда,** айниқса ёшларда **юксак маънавиятни тарбиялашни — мамлакатда шакллантирилаётган демократия миллий моделининг асосий устуворликларидан бири, деб эътироф этар экан,** бу ундан Президентнинг мазкур қарори қоидаларини жойларда амалга оширишга барча воситалар билан кўмаклашишни талаб этади.

**Жамиятда партиянинг ижобий имижини шакллантириш** ва **партияга янги тарафдорларни жалб этиш** вазифасини ҳал этишга қаратилган, партия мафкуравий ишлари самарадорлигини амалда қандай таъминлаш мумкин, деган савол туғилади. Яъни, дастурий мақсадлар нуқтаи назаридан, энг асосийси бўлмиш бевосита электоратимиз орасида олиб бориладиган ташқи мафкуравий вазифалар қандай бажарилади?

Партия марказий аппарати томонидан маҳаллий ташкилотларнинг кундалик фаоллигини мониторинг қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, **Ўзбекистон ХДП бугунги кунда кўпчилик минтақаларда мафкуравий ва оммавий-сиёсий йўналишда ўтказилаётган тадбирлар сони бўйича етакчилик қилмоқда.** Лекин сон ҳамиша ҳам сифатни белгилайвермайди. Биз бу тадбирларнинг иштирокчилари асосан партия ташкилотлари ва депутатлар тузилмалари фаолларидан иборат эканлигини қайд этишга мажбурмиз. Тез орада **ташқи мафкуравий вазифаларни ишга солиш учун** бу вазиятни кескин ўзгартириш лозим. Яқин икки йилда туман ва шаҳар партия ташкилотлари, кейинчалик эса бошланғич партия ташкилотлари олдига айнан шундай вазифа қўйилмоқда.

Бир йил аввал вазифани бундай қўйиш мумкин эмас эди. Зеро, партияда ортиқча юк — унда расман аъзо бўлган, амалда партия ҳаётида иштирок этмаётган одамлар мавжуд эди. **Қайта рўйхатдан ўтказишдан кейин сафларимизда қолганлар, бу шундай кишиларки, улар учун ХДПнинг янги сиёсий мафкураси** — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафкураси улар сиёсий эътиқодларининг пойдевори ҳисобланади. Қайта рўйхатдан ўтар эканлар, улар партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш ишига фаол иштирок этишга интилишларини намойиш этдилар. Шу тариқа **барча бўғинларимиз асосан партия аъзолари орасида олиб борадиган мафкуравий ишлардан партия аъзоларининг ўзлари электорат орасида мафкуравий иш ташкил қилишга ўтишлари учун зарур шароитлар яратилди.**



Ўзбекистон ХДПни бундан буён ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги ишнинг бош масаласи партия аъзоларини шундай бошланғич бўғинларга бирлаштиришни таъминлашдан иборатки, бу ташкилий салоҳиятни партиянинг электорат орасидаги обрў ва таъсирини максимал самарали даражада оширишга хизмат қилсин. Бунинг учун, партия V қурултойида қайд этилганидек, электорат билан олиб борадиган ишимизнинг асосий марказини аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ташкил этиладиган бошланғич партия ташкилотларига кўчиришимиз лозим. Меҳнат жамоаларига бирлаштирилган партия аъзолари билан «анъанавий» тарзда ишлашга ўрганган кўплаб туман ва шаҳар партия кенгашлари бу жараён муносабати билан янги шароитларда иш қандай йўл билан боришни дарров тополмай саросимага тушиб қолишди. Ваҳоланки, бугунги кунда меҳнат жамоаларига нисбатан партия аъзолари истиқомат жойларида бошланғич ташкилотлар тузиш учун ташкилий жиҳатдан имкониятлар кўпроқдир.

Масалан, тўққиз ярим мингта маҳалланинг ҳар бирида ўрта ҳисобда 35 та партия аъзоси яшайди. Шуни қайд этиш керакки, бирор маҳалла йўққи, унда партиямиз аъзоси яшамаса ва бирорта ХДП аъзоси йўққи, у маҳалладан ташқарида истиқомат қилса. Бу эса ҳар бир фуқаролар йиғини доирасида бошланғич партия ташкилоти тузиш учун етарлидир.

ХДП кенгашлари жойларда **ўз таркибидаги бошланғич партия ташкилотларининг** ишчанлик даражасини таҳлил қилиб чиқишлари керак. Кейинчалик уларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ёки фаолият кўрсатмаётган бошланғич ташкилотларни тугатиш, уларнинг ҳисобида турган партия аъзоларини янги ёки фаолият кўрсатаётган, **партия аъзоларини истиқомат жойларида,** яъни маҳаллалар ҳудудларида **бирлаштирадиган** бошланғич ташкилотларга қайта тақсимлаш чораларини кўришлари лозим.

Биз учун иккинчи муҳим гуруҳ бу **ўқитувчи** ва **шифокорларни** бирлаштирадиган бошланғич ташкилотлардир. Бир қараганда, бу ташкилотлар партия аъзоларини касбий кўриниши бўйича бирлаштирадилар. Амалда эса биз партия аъзолари шундай тоифаси билан иш кўрамизки, улар ўз касбий фаолиятига кўра, доим аҳоли орасида иш олиб борадилар. Партия аъзоларининг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган ўқитувчи ва врачлар нуфузли сиёсий кучдир. Бу кучни тўғри ташкил этиш лозим.

Ҳар битта шундай ўқитувчи ва шифокорларни бирлаштирадиган бошланғич ташкилотга тегишли ҳудудни электорат билан ишлаш учун белгилаш керак. Бу ташкилотлар тегишли адабиёт, тарғибий материаллар билан таъминланиши лозим, уларнинг фаолларига партия электорати орасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш бўйича мунтазам йўл-йўриқ беришни ташкил этиш даркор.

Шундай қилиб, партия аъзоларини бошланғич ташкилотларга ҳудудий бирлаштириш услубидан қатъи назар — истиқомат жойидами ёки касбий жиҳатданми — **барча қуйи бўғинларимиз қайта ташкил этиш жараёнидаёқ аниқ мафкуравий вазифаларни бажаришлари лозим.**

Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган яна бир муаммога дуч келдик. Олий ўқув юртлари талабалари бўлган партия аъзолари ўқишни тугатиб ва истиқомат жойи ҳамда янги иш жойига етиб боргандан кейин тегишли партия ташкилотлари фаолиятига қўшилишни «унутганликларидир».

Бу масалани ҳал этишда партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаол иштирок этиши керак. Олий ўқув юртларида ўқиш даврида партиямиз аъзоси бўлган бўлғуси мутахассисларда сиёсий фаол, бўлғуси ёшлар етакчилари сифатларини шакллантириш лозим. Билим юртини тугатар экан, айни пайтда ҳар бир йигит-қиз билан бундан буён партия аъзоси ва унинг ёшлар қаноти фаоли сифатида қайси партия ташкилотида фаолият кўрсатиши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш даркор. Бошқача айтганда, олий таълим марказлари бўлган шаҳарларда ўзига хос **ёш фаоллар мактабларини** яратиш керак. Қатор минтақаларда партия кенгашлари қошида «Истиқбол» бўлимлари иштирокида «Ёш депутатлар мактаблари», «Бўлғуси сиёсатчилар мактаблари» ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда. Бу тажрибани умумлаштириш ва кенг тарғиб этилишини таъминлаш муҳимдир.

Мафкуравий иш ташқи вазифаларини бажаришда Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» хотин-қизлар қаноти ҳам муҳим роль ўйнаши лозим. Хотин-қизлар қўмиталари, аёллар — фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари билан ҳамкорликда иш олиб борар эканлар, «Фаол аёллар» маҳаллий бўлимлари партия электорати орасида фуқаролик маърифатини ташкил этиш бўйича умумпартиявий вазифани бажаришда ўз ўринларини топишлари лозим.

ХДП ташқи мафкуравий вазифаларини бажариш самарадорлигини оширишда **партия аъзолари** ва электорат вакиллари **мунтазам сиёсий ва фуқаролик маърифатини** ташкил этиш муҳим қадамдир. Олдимизга бу борада қўйган асосий мақсад — партия аъзоларини зарур билимлар билан қуроллантириш ва уларда электорат орасида ташвиқий-тарғибий ва оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш кўникмаларини тарбиялашдир.

У ёки бу сиёсий партия тўғрисида жамоатчилик фикрини фаол шакллантирадиган омил, бу **мунтазам равишда унинг у ёки бу ижтимоий ҳаёт ҳодисалари бўйича позициясини белгилашдир.** Партиянинг ўз дастурий мақсадларини изчил амалга оширишга қодирлиги тўғрисида одамлар бу партия нақадар принципиаллик билан маҳаллий ҳокимликлар аппарати ва давлат бошқаруви органлари қуйи бўғинлари фаолиятидаги камчиликларни баҳолашига қараб ҳам фикр юритадилар.

Бу ҳам мафкуравий ишнинг таркибий қисмидир. Бизнинг маҳаллий ташкилотларимиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ислоҳотлар ижтимоий самараси ошишига тўсиқ бўлган салбий омилларга ошкора сиёсий баҳо беришлари лозим.

Масалан, Фарғона вилояти маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлар гуруҳларининг қатъий позицияси Риштон тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳал этила бошланишига ёрдам берди. Яқинда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида партия депутатлар гуруҳи вилоят аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш муаммолари бўйича принципиал чиқиш ташкил этди.

Бундай муаммоларга ўхшаш масалалар кўпчилик бошқа минтақаларда ҳам бор. Афсуски, баъзида бу ҳолатларда биз маҳаллий фаолларимизнинг электоратимизни безовта қилаётган масалаларда принципиаллик ва қатъийлик намоён этишга қодир эмасликлари билан дуч келамиз.

Мафкуравий ишнинг жиддий қисми бу партия рақиблари **ижтимоий фаоллигининг мониторинги ва тегишли аксилтарғибий акцияларни ташкил** этиш масаласидир. Афсуски, маҳаллий ташкилотларимиз кўпинча оппонентларимиз ўтказаётган тадбирлар, улар қандай масалаларни ҳал этаётганликлари тўғрисида бехабар қоладилар. Бу уларга ўз вақтида муносабат билдириш ва зарур чораларни кўришга халал беради.

Хорижий ҳомийлар ёрдамида «ҳуқуқни ҳимоя қилиш» деб аталмиш ташкилотлар ҳам бизнинг оппонентлардир. Ташқаридан бошқариладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар тармоғини яратишга кўплаб маблағ ва куч сарфлаган илҳомчилар, ташкилотчилар ва ҳомийларнинг ҳақиқий мақсадларини фош қилиш учун туман ва шаҳар партия кенгашлари даражасида мақсадли аксилтарғибий иш олиб бориш лозим.

Бугунги кунда биз яратаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ҳам муҳим аксилтарғибий вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. У Ўзбекистон ХДП аъзолари ва партия электорати вакилларида ҳозирги замон демократияси моҳиятини тўғри тушуниш, онгли ва масъулиятли фуқаролик ахлоқини шакллантириш лозим.

Кўриниб турибдики, олдимизда кўплаб вазифалар турибди. Уларни ҳал этиш тез орада мафкуравий ишлар самарадорлигини анча ошириш имконинятини беради.

*(Маъруза қисқартирилган ҳолда берилмоқда.)*

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Республика акциядорлик тижорат «Ипотека» банки Навоий филиалининг ташаббуси билан узоқ масофа яқин, мушкуллар эса осон бўлди. Лизинг йўли билан Минск шаҳри банкига қарийб 332 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган банк жамоаси 10 та «МАЗ» русумли юк автомашинаси ва 2 та тупроқ ишларини бажарувчи ўзи юрар кўтарма механизми сотиб олиб беришди.

— Гап фақат хориж техникаларида эмас, — дейди АТ «Ипотека» банки Навоий филиали бошқарувчиси Истам Қўчқоров. — Гап Ўзбекистон — Белорус ҳамкорлигининг чуқурлашиб бораётганидадир.

Дарвоқе, яқинда тантанали равишда Навбаҳор туманидаги 2-сон кўчма механизациялашган коллоннаси қурувчиларига топширилган Белорус техникалари бугун юксак унум билан ишлатиляпти. Янги техникалар наинки Навбаҳорда, балки кенжа вилоятнинг халқаро аэропорт қурилишида, Айдаркўл сув ҳавзасини дамбалашда, олис чўл туманлари йўлларини текис ва равон қилишда қўл келмоқда Банк жамоаси яқин орада лизинг йўл билан Навоийга яна ўнта Белорус техникаларини келтиришмоқчи.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## «МУТОЛАА БАЙРАМИ — 2006»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами — 2006» деб номланган анъанавий тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни кутубхона директори Абсалом Умаров кириш сўзи билан очар экан, жумладан, шундай деди:

— Мазкур анъанавий байрамимизни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ватандошларимиз, энг биринчи навбатда ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини юксалтириш, наширлик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янгича усуллари билан таништиришдан иборатдир.

Шундан сўнг, иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидовнинг «Ўзбекистон: инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик» («Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования») номли китоби ҳамда психология фанлари доктори, профессор Васила Каримованинг «Оилавий ҳаёт психологияси» номли монографиясининг тақдимоти бўлиб ўтди...



Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон: инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик» китоби Москвадаги «Китоблар уйи» нашриётида рус тилида чоп этилган. Мазкур нашр икки қисмдан иборат бўлиб, «Инсон омилига сармоя» деб номланган биринчи бўлимда «Баркамол авлод орзуси», «Инсон омилига сармоя», «Ўзбекистон Республикасида таълимни ислоҳ қилиш сиёсати» каби 15 та мавзуда ўзига хос илмий-таҳлилий тадқиқотлар мужассам бўлган. «Таълим соҳасидаги ҳамкорлик» бўлимида эса Россия таълим тизимининг бугуни, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети тарихи, унинг айни пайтдаги фаолияти ва салоҳияти, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги таълимни ривожлантириш борасидаги ўзаро ҳамкорлик ёритилган.

ЎзРФА вице-президенти Саидаҳрор Ғуломов, техника фанлари доктори, профессор Леонид Перегудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, профессор Маннон Алиев, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Ғойибназаров ва бошқалар мазкур китобларнинг аҳамияти, долзарблиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлади. «Ўзбекистон: инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик» китоби профессор-олимлар томонидан муҳим таҳлилий тадқиқот, дея эътироф этилди.

Шунингдек, тадбир давомида «Ўзбекистонда китобат тарихи», «Китоб: асрлар оша абадият сари» мавзуидаги китоблар кўргазмаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги электрон ресурслари тақдимоти ва қизиқарли мавзуларда суҳбатлар бўлиб ўтди.

«Мутолаа байрами — 2006» тадбири 30 сентябргача давом этиб, унинг доирасида машҳур шоир ва ёзувчилар билан учрашув, давра суҳбатлари, китоб ярмаркаси ва адабиётларнинг очиқ кўргазмалари, семинарлар ташкил этилади. Шунинг билан бирга дарслик, журнал, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумот базаларининг тақдимоти ҳам ўтказилади.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● **Кўрик-танлов**

# БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ ВАТАН

*Пойтахтнинг «Гранд Орзу» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан икки ой мобайнида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг Ватаним — менинг дунём» мавзуидаги кўрик-танловнинг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.*

*Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциациясининг молиявий кўмагида Ўзбекистон музейлар кенгаши томонидан амалга оширилган мазкур танловда республикамиздаги 15 та меҳрибонлик уйидан 500 нафарга яқин ўғил-қиз ўз ижод намуналари билан иштирок этди.*

*Айтиш мумкинки,мазкур танловда намойиш этилган суратларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Буни нафақат ташкилотчию, ҳайъат аъзолари, балки, кўрик-танлов қатнашчилари билдирган фикрлардан ҳам билса бўлади.*

**Рифат САРБОЕВ,**
**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ижрочи директори:**

— Бугун биз меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар ижоди орқали уларнинг Ватанга, туғилиб ўсган заминга бўлган туйғулари нақадар соф ва беғубор эканлигига гувоҳ бўлдик. Болалар ўзларининг наздидаги ватан, диёр тушунчаларини турли кўриниш, турфа рангларда баён этганлар. Мен ушбу танлов қатнашчиларининг барчасини ғолиб деб биламан. Боиси, жажжи юракларида ватан ҳиссини туйган болажонлар шубҳасиз ҳамиша ғолибдир.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

**Саидрасул САНГИНОВ,**
**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси кенгаши раиси ўринбосари, ҳайъат аъзоси:**

– Ўтказилаётган расмлар кўрик-танлови анъанавий танловлардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу танловда илк маротаба Республикамиз вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг асарлари намойиш этилмоқда. Танлов қатнашчилари ватан тушунчасини, туғилган гўшаларини ота-оналари бағрида вояга етаётган бошқа тенгдошларидан фарқли ўлароқ ўзгача тасаввур, ўзгача нигоҳ билан илғайдилар. Буни улар чизган расмлардан ҳам билиб олса бўлади. Жумладан, кимдир ватанни гулу чаманзорлар қўйнидан термулиб турган момо сиймосида, яна кимдир ўзи тарбияланаётган меҳрибонлик уйи тимсолида, бошқа бири эса тўкин-сочинлик акс эттирилган, катта қозонларда палов дамланаётган ўзбекона тўй тантанаси кўринишида акс эттирган.

**Ойбек НЕЪМАТОВ,**
**Жиззах вилояти, 29-меҳрибонлик уйи тасвирий санъат тўгараги раҳбари:**

— Мана уч йилдирки вилоятдаги 29-меҳрибонлик уйида ишлайман. Бу масканда тарбияланувчиларнинг аксарияти иқтидорли ўғил-қизлардир. Уларнинг барчаси турли тўгарак ва машғулотларга қатнашади. Бугунги кўрик-танловда 13 ёшли Азизжон Фаттоҳов, 10 ёшдаги Аня Усмонова, Озод Орзубоев, Александр Зотов, Ҳасан-Ҳусан Жамоловларнинг чизган расмларидан намуналар намойиш этилаётир. Улар келгусида таниқли тасвирий санъат усталари бўлиб етишсалар, ажабмас.

*Табиийки, хар бир кўрик-танлов қатнашчиси ноёб қобилият эгаси бўлса-да, баҳсда кимдир ғолибликни қўлга киритади. Дарҳақиқат, бугунги баҳсда ҳам ҳакамлар ҳайъати аъзолари қатнашчиларга ўринлар белгилашда бир оз баҳс-мунозара юритишларига тўғри келди. Боиси, кўрик-танловга тақдим этилган расмларнинг ҳаммаси ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб турарди.*

*Танловда биринчи ўринга Самарқанд вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Парвез Жўраев, иккинчи ўринга қашқадарёлик Руслан Иванов, учинчи ўринга эса Жиззах вилоятидан келган қатнашчи Озод Орзубоев лойиқ деб топилди. Уларга ташкилотчи муассаса ва ҳомийларнинг махсус совғалари топширилди. Тошкент, Наманган, Андижон вилоятлари қатнашчилари эса рағбатлантирувчи мукофот эгалари бўлдилар.*

*Ташкилотчилар келгусида мана шундай тадбирларни хорижий давлатларда ҳам ўтказишни режалаштирганлар.*

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● Ҳолат, мулоҳаза, муносабат

# ЖОЙСИЗ ҚОЛГАН ТАШКИЛОТ

## ёки «Сурхонкўргазмасавдо» балансидаги бинога янги эга чиққани ва бир биржа орқали сотилиши эълон қилиниб, бошқа биржада сотиб юборилганлиги ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги «Ўзкўргазмасавдо» доимий ишловчи республика ярмарка савдо марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзкўргазмасавдо» савдо маркази ташкил қилинди. Асосий фаолияти мамлакат экспорт имкониятлари кенг тарғиботини йўлга қўйиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реклама қилишдан иборат бўлган ярмаркалар, қарорга кўра, вилоят марказларида ҳам ташкил этилиши керак эди. Шунга асосан Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2001 йил 20 апрель кунидаги қарори билан Термиз шаҳрида «Ўзкўргазмасавдо» ҳиссадорлик жамиятининг Сурхондарё вилоятида доимий фаолият юритувчи «Сурхонкўргазмасавдо» шўъба хўжалик жамияти ташкил этилди. Кўргазмасавдо учун қулайроқ жой — бино қидирилди. Охири 5-кичик даҳадаги беш йилдан бери қаровсиз ҳолда ётган «Аскар» дўкони маъқул топилди. Эгаси суриштирилса, Термиз ҳарбий гарнизони эканлиги айтилди. Вилоят ҳокимлиги Мудофаа вазирлигига хат билан чиқди. Мудофаа вазири муовини И.Юсупов 2001 йил 17 июлдаги хати билан «Аскар» дўконининг ижарага берилишига вазирликнинг эътирози йўқлигини билдириб, ижара шартномаси Термиз гарнизонининг уй-жой эксплуатация қисми (КЭЧ) билан тузилиши лозимлиги айтилди. Лекин Термиз гарнизонининг уй-жой эксплуатация қисми бошлиғи ўринбосари С.Марченко ушбу дўкон КЭЧ балансида эмаслиги тўғрисида 27 июлда хат орқали Термиз шаҳар ҳокимига маълум қилди. Хуллас, ҳеч кимнинг балансида эмаслиги маълум бўлгач, «Аскар» дўкони биноси Термиз шаҳар ҳокимининг қарори билан «Сурхонкўргазмасавдо» балансига ўтказилди ва ташландиқ ҳолдаги бинони замонавий услубда қайта таъмирлаб, кўркам бинолардан бирига айлантириш вазифаси юклатилди. 1997 йилдан бери қаровсиз қолиб, хароба аҳволда бўлган бино бироз ўтиб-ўтмай ростдан муҳташам ҳолга келтирилди. Бунинг учун «Замин» банкдан 36 фоизли маблағ олинди, бошқа маблағлар сарфланди. Атрофи кўкаламзорлаштирилди. Бундай ободонлаштириш ишидан ушбу даҳа атрофида яшаётган аҳоли ҳам хурсанд бўлди. Таъмирланган бино шаҳар кўркига кўрк қўшди. Хуллас, «Сурхонкўргазмасавдо» иш бошлади.

Дарҳақиқат, вилоят иқтисодий салоҳиятининг ривожланиши йўлида корхона зиммасига маълум вазифалар юклатилган эди. Халқаро стандартларга мувофиқ сертификацияланган, вилоятда ишлаб чиқарилган товарларнинг доимий кўргазма ярмаркаларини ўтказиш, маҳсулотларнинг реклама-тарғибот ишларини амалга ошириш, ярмарка контрактларини рўйхатга олиш, тузиш, уларга комплекс хизматлар кўрсатиш, ярмаркага қўйилган маҳсулотларнинг улгуржи савдосини амалга ошириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Бир муддат ўтиб, «Сурхонкўргазмасавдо» маҳаллий маҳсулотлар учун реклама-тарғиботини олиб боришда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Доимий ишловчи ярмарка савдо марказида вилоятда ишлаб чиқилган 400 хилдан ортиқ маҳсулотлар ўрин эгаллади. Улар билан қўшни Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан келган ишбилармонлар танишиш имкониятига эга бўлдилар. 2004 йилга келиб 90 миллион сўмдан ортиқроқ товар айланишига эришилди. Бюджетга анча-мунча пул тушди. Жамият қошида мебель цехи ташкил қилишга киришилди. Бир сўз билан айтганда, бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми Термизда қарор топиб, ривожлана бошлади.

Лекин 2004 йилнинг ярмига келиб, яъни 3 йилдан кейин илгари эгасиз, деб қаралган бинонинг эгаси чиқди — Термиз шаҳар «5-сон ҳарбий савдо ташкилоти» «Сурхонкўргазмасавдо»дан бинони қайтаришни талаб қила бошлади. Охири ўртадаги низо судга кўчди. Даъвогар — «5-сон ҳарбий савдо ташкилоти»нинг ушбу бинони жавобгар — «Сурхонкўргазмасавдо» тасарруфидан чиқариб, бунга имкон берувчи барча ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси Сурхондарё вилоят хўжалик суди (судья М.Алланазаров) томонидан (2004 йил 23 сентябрь) қаноатлантирилди. Жавобгарнинг кассация шикояти рад қилинди.

Биз бу ерда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчимиз. Аввало, бу бино Термиз шаҳар ҳокими қарори билан «Сурхонкўргазмасавдо» балансига ўтказилгани, таъмирлаш ишлари бошланганидан наҳотки бир жойда яшаб туриб, 5-сон ҳарбий савдо ташкилоти хабарсиз қолган бўлса? Яна бир ажабланарли жойи шундаки, даъвогар тақдим қилган ҳужжатларда бино эгаллаган жой 1000 метр квадрат эканлиги кўрсатилган. Ваҳоланки, бино 1000 метр квадрат эмас, балки у эгаллаган майдон 1775,2 метр квадратни ташкил этади... Энг қизиғи, бошқа ҳамма ёзувлар компьютер вариантида бўлиб, фақат ушбу ёзув қўл ёзмада ёзилган...

Бундан ташқари, ишчи гуруҳининг 1995 йилдаги 34-сонли иншоотни топшириш ва қабул қилиш далолатномасида **бинонинг код шифри бўялган (ўзгартирилган)** ва қўшимча қилиб ёнига қўл ёзмада **1000 метр квадратли (10 иш ўринли) магазин,** деб ўзгартириш киритилган. Шу каби ғалати ўзгартиришлар далолатноманинг қолган варақларида ҳам такрорланади.

Бу нарсалар турган гапки, кишида шубҳа уйғотиши табиий. Жавобгар томон суддан ушбу ҳужжатларни эксперт қилишни сўради. Лекин экспертиза қилинмади. Ушбу ҳужжатлар «Аскар» дўконига таaллуқли эмаслиги ҳақидаги шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмаслик учун ҳам шундай қилинса бўлмасмиди? Ёхуд «Аскар» дўкони эгаллаган жой ҳақиқатан қанча метр квадрат эканлигини аниқлаш шунча қийинмиди? Даъво қилинган жойдан ортиқча бўлган, яъни даъво қилинмаган 775,2 метр квадрат ерни ҳам суд тортиқ қилиб даъвогарга мурувват кўрсатмадими? Суд қайси ҳужжатга асосан бундай қарор қилди экан? Қолаверса, Термиз шаҳар ҳокимлиги архивида ушбу дўконга ер ажратиш тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Энг қизиғи, бирор жойда ушбу дўкон қурилишида ким буюртмачи-ю, ким пудратчи эканлиги ҳақида қайд ҳам, ёзув ҳам мавжуд эмас. Гўёки, ушбу дўкон осмондан тушиб қолгандай. Умуман, шундай ҳолатда суд томонидан ҳақиқат тўла аниқланди, адолат қарор топди, деб бўлармикин?

Энг ажабланарлиси, ушбу дўкон вилоят ижро Департаменти томонидан хатланиб, вилоят «Агросаноат» биржаси орқали сотилиши ҳақида эълон берилади. «Термиз оқшоми» газетасининг жорий йил 1 январь сонида берилган эълонда «кимошди» савдоси 1,2,3 февраль кунлари ўтказилиши маълум қилинган эди. Лекин бу савдо ушбу биржада айтилган вақтида ўтказилмади. Негаки, дўкон Банклар Ассоциациясининг Универсал биржа маркази Сурхондарё филиали томонидан афғон фуқароси Азими Мохаммад Асеф Мохаммад Садекга 2005 йилнинг 11 декабридаёқ 40 миллион сўмга сотиб юборилган эди. Қизиқ, суд ижрочилари сотилган иморатни нега яна қайтадан «кимошди»га қўйишди экан? Ёки улар ҳам бундан бехабар қолдимикан? Унда нега эътироз билдиришмаган? Хуллас, мавҳум ҳолатлар етарли.

Балки кимдир бинонинг бошқа корхонага сотилиши билан баъзи бир саволлар, масалан, ушбу дўкон ростдан ҳам «5-сон ҳарбий савдо ташкилоти»ники эдими, кўрсатилган ҳужжатлар ростдан ушбу дўконга тегишлимиди, ҳужжатларга нега қўлда ўзгартиришлар киритилган, каби саволлар ҳам аҳамиятини йўқотди, деб ҳисоблар. Бизнингча йўқ. Қолаверса, «Сурхонкўргазмасавдо»нинг таъмирлашга ишлатилган маблағлари нима бўлади? Ахир уни ким тўлайди?

Бозорнинг муҳим шарт-шароитларини амалга оширувчи «Сурхонкўргазмасавдо» бугун биносиз қолди. Уларнинг тетапоя бўлишга сарфлаган 3-4 йили кўкка совурилди. Яна ҳаммасини бошдан бошлашга уларда рағбат ва ишонч топилармикин?

Хуллас, ҳукумат қарори билан ташкил этилган бозорнинг муҳим инфраструктураси тақдири хавф остида қолган. Бу ҳол тегишли идораларга аҳамиятсиз туюлмас, балки...

Сотиб олинган собиқ «Аскар» дўконининг эса эшигига қулф осилган. Ундан ҳеч ким фойдаланмаяпти, у ҳам ҳеч кимга фойда келтиргани йўқ.

Бизнинг назаримизда, аввало «Аскар» дўкони кимга тегишли эканлиги ҳужжатлар асосида тўла аниқланиши керак. Бундан ташқари, кўчмас мулкнинг биржа орқали сотилишида ҳам тушунарсиз ҳолат борлигини кўрдингиз. Юқоридагиларни аниқлаш, ўйлаймизки, фақат ва фақат ҳақиқатни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

## ТАИЛАНД

Таиланд ҳарбий ҳукумати собиқ бош вазир Таксин Чинават сармояларининг келиб чиқиш манбаларини ўрганиш учун махсус комиссия тузиш ниятида. Комиссия унинг 15 нафар энг яқин одамлари, шу жумладан, турмуш ўртоғи ва қариндошлари ишлари билан яқиндан танишмоқчи.

Хабарларга кўра, комиссия таркибига иккита судья ва Таиланднинг марказий банки собиқ раҳбари киради. Комиссия Чинаватнинг молиявий ишларида жиноят изларини топгудек бўлса, унинг тақдирини суд ҳал қилади.

## ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ

Фаластин Мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос миллий бирдамлик ҳукумати Исроил давлатини тан олиши ва зўравонликлардан воз кечишини билдирди.

Нью-Йоркда ҳар йили бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида чиқиш қилган Аббос, янги Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилда Исроил бош вазири Ицхак Рабин ва Фаластин озодлик ташкилоти раҳбари Ёсир Арафот томонидан икки томонлама тан олиш ҳақидаги имзоланган шартномага асосланиб иш кўришини маълум қилди.

Айни пайтда Фаластин маъмурияти раҳбари «ХАМАС» ташкилоти етакчилари билан миллий бирдамлик ҳукуматини тузиш ҳақида музокаралар олиб бормоқда. Шу пайтгача «ХАМАС» Исроилни тан олиш ва зўравонликларни тўхтатиш ҳақида гап ҳам бўлмаслигини таъкидлаган эди. Буни Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга уринаётган «халқаро воситачилар квартети» талаб қилмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши шу орада исроилликлар ва фаластинликлар орасидаги тўғридан-тўғри мулоқотларни йўлга қўйиш учун ўз йиғилишини ўтказди. Йиғилиш Араб лигаси давлатлари илтимосига кўра ўтказилди.

Лига Кенгашининг Қоҳирадаги навбатдаги сессиясида ташкилот раиси, Баҳрайн ташқи ишлар вазири Ҳолид бин Аҳмад ал Халиф айни пайтда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш имкони туғилганлиги ва уни қўлдан чиқармаслик кераклигини таъкидлади.

## РОССИЯ

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров мамлакат энг камбағал мамлакатлар қарзларини кечиб юбориш масаласида янги қадамлар қўймоқчилигини билдирди.

— Россия Африка мамлакатларининг 11,3 миллиард доллар ҳажмидаги қарзини кечиб юбориш мажбуриятини олди, — деди Лавров Нью-Йоркда бўлиб ўтаётган йиғилишда.

Унинг сўзларига кўра, Россия қарзларни кечиб юбориш борасида дунёда учинчи ўринда, ЯИМ кўрсаткичларига нисбатан эса биринчи ўринда турар экан.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва фирмалар диққатига!**

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ — ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

***2007 йилда Наманган вилоятида қурилиш ишлари олиб бориладиган умумтаълим мактабларига танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини***

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Туман, шаҳар номи | Мактаб рақами | Қуввати (ўрин) |
|---|---|---|---|
| | **ЯНГИ ҚУРИЛИШ:** | | |
| 1 | Наманган тумани, Ўрганжи қишлоғи | 9 | 315 |
| 2 | Норин тумани, Шоҳидмозор қишлоғи | 15 | 315 |
| 3 | Поп тумани, Санг қишлоғи | 64 | 315 |
| 4 | Мингбулоқ тумани, Гўртепа қишлоғи | 50 | 315 |
| 5 | Янгиқўрғон тумани, Бирлашган қишлоғи | 57 | 216 |
| | **КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ:** | | |
| 1 | Наманган шаҳри, Носиров кўчаси | 37 | 1254 |
| 2 | Наманган шаҳри, Х.Пўлатов кўчаси | 8 | 850 |
| 3 | Наманган шаҳри, 3-кичик тумани | 52 | 1146 |
| 4 | Наманган тумани, Курама қишлоғи | 2 | 755 |
| 5 | Наманган тумани, Тепақўрғон қишлоғи | 17 | 1265 |
| 6 | Наманган тумани, Хўжақишлоқ қишлоғи | 20 | 870 |
| 7 | Наманган тумани, Қўқонқишлоқ қишлоғи | 31 | 315 |
| 8 | Наманган тумани, Хонобод қишлоғи | 27 | 1315 |
| 9 | Мингбулоқ тумани, Гўртепа қишлоғи | 21 | 250 |
| 10 | Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод ҚФЙ | 22 | 310 |
| 11 | Мингбулоқ тумани, Гигант ҚФЙ | 23 | 600 |
| 12 | Мингбулоқ туман, Олтинкўл ҚФЙ | 40 | 720 |
| 13 | Уйчи тумани, Машад ҚФЙ | 4 | 665 |
| 14 | Уйчи тумани, Ғайрат ҚФЙ | 34 | 825 |
| 15 | Тўрақўрғон тумани | 9 | 850 |
| 16 | Тўрақўрғон тумани | 12 | 880 |
| 17 | Тўрақўрғон тумани, Найманча ҚФЙ | 49 | 370 |
| 18 | Тўрақўрғон тумани | 27 | 576 |
| 19 | Тўрақўрғон тумани, Холматов ҚФЙ | 17 | 700 |
| 20 | Тўрақўрғон тумани, Оқтош ҚФЙ | 61 | 585 |
| 21 | Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд ҚФЙ | 52 | 945 |
| 22 | Тўрақўрғон тумани | 36 | 900 |
| 23 | Тўрақўрғон тумани | 56 | 500 |
| 24 | Косонсой тумани, Тергачи ҚФЙ | 26 | 455 |
| 25 | Косонсой тумани, Чиндовул ҚФЙ-лицей | 30 | 422 |
| 26 | Косонсой тумани, Қуқумбой қишлоғи | 33 | 884 |
| 27 | Поп тумани, Пунгон ҚФЙ | 54 | 140 |
| 28 | Поп тумани, Пилол ҚФЙ | 42 | 240 |
| 29 | Поп тумани, Чоркесар ҚФЙ | 31 | 410 |
| 30 | Поп тумани, Хонобод ҚФЙ | 19 | 820 |
| 31 | Поп тумани, Чодак ҚФЙ | 63 | 675 |
| 32 | Поп тумани маркази | 67 | 635 |
| 33 | Поп тумани, Хонобод ҚФЙ | 66 | 210 |
| 34 | Чуст тумани, Ғова ҚФЙ | 59 | 390 |
| 35 | Чуст шаҳри | 33 | 315 |
| 36 | Чуст тумани, Тошқўрғон лицейи | 52 | 340 |
| 37 | Норин тумани | 40 | 1195 |
| 38 | Норин тумани, Марғизор ҚФЙ | 32 | 120 |
| 39 | Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳри | 1 | 1010 |
| 40 | Норин тумани | 4 | 325 |
| 41 | Чортоқ тумани, Бобур ҚФЙ | 27 | 360 |
| 42 | Чортоқ тумани, Алихон ҚФЙ | 34 | 440 |
| 43 | Учқўрғон тумани, Қайқи ҚФЙ | 8 | 1204 |
| 44 | Учқўрғон шаҳри | 5 | 1025 |
| 45 | Учқўрғон тумани, Янгиер ҚФЙ | 7 | 460 |
| 46 | Янгиқўрғон тумани, Навкент ҚФЙ | 25 | 320 |
| 47 | Янгиқўрғон тумани, Бекобод ҚФЙ | 21 | 851 |
| | **КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ:** | | |
| 1 | Наманган шаҳри, Н.Убайдуллаев кўчаси | 36 | 944 |
| 2 | Наманган шаҳри, Олвализор кўчаси | 53 | 1496 |
| 3 | Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси | 10 | 1340 |
| 4 | Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчаси | 51 | 1296 |
| 5 | Наманган шаҳри, Сувжувоз кўчаси | 46 | 960 |
| 6 | Наманган шаҳри, Ахси кўчаси | 3 | 1584 |
| 7 | Наманган шаҳри, Бўстон МФЙ | 65 | 720 |
| 8 | Наманган шаҳридаги мактаб-интернат | - | 640 |
| 9 | Наманган тумани, Олахамак ҚФЙ | 13 | 1304 |
| 10 | Наманган тумани, Шамсикўл ҚФЙ | 10 | 600 |
| 11 | Наманган тумани, Эшабод ҚФЙ | 1 | 680 |
| 12 | Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод ҚФЙ | 24 | 720 |
| 13 | Мингбулоқ тумани, Момохон ҚФЙ | 16 | 640 |
| 14 | Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙ | 24 | 664 |
| 15 | Уйчи тумани, Уйчи ҚФЙ | 26 | 1176 |
| 16 | Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙ | 18 | 1074 |
| 17 | Уйчи тумани, Ўнхаят ҚФЙ | 35 | 1176 |
| 18 | Уйчи тумани, Ғайрат ҚФЙ | 22 | 730 |
| 19 | Уйчи тумани, Машад ҚФЙдаги мактаб-интернат | — | 300 |
| 20 | Уйчи тумани, Уйчи ҚФЙ | 23 | 724 |
| 21 | Тўрақўрғон тумани | 2 | 624 |
| 22 | Тўрақўрғон тумани | 13 | 730 |
| 23 | Тўрағўрқон тумани, мактаб-интернат | 48 | 300 |
| 24 | Косонсой тумани, Косон ҚФЙ | 38 | 624 |
| 25 | Косонсой тумани, Косон ҚФЙ | 14 | 624 |
| 26 | Косонсой тумани, Чиндовул ҚФЙ | 23 | 595 |
| 27 | Косонсой тумани, Чиндовул ҚФЙ | 48 | 315 |
| 28 | Косонсой тумани, Чиндовул ҚФЙ, мактаб-интернат | 45 | 230 |
| 29 | Косонсой тумани, Ёшлик ҚФЙ | 36 | 624 |
| 30 | Косонсой шаҳри | 1 | 1320 |
| 31 | Поп тумани, Ботир-Бўтқа ҚФЙ | 53 | 120 |
| 32 | Поп тумани, мактаб-интернат | 11 | 1176 |
| 33 | Поп тумани, Пунгон ҚФЙ | 18 | 797 |
| 34 | Поп тумани, Тўда ҚФЙ | 11 | 860 |
| 35 | Поп тумани, Санг ҚФЙ | 10 | 1220 |
| 36 | Поп тумани, Майда-миллат ҚФЙ | 15 | 640 |
| 37 | Поп тумани, Чиғаноқ қишлоғи | 5 | 420 |
| 38 | Поп тумани, Чодак ҚФЙ | 26 | 624 |
| 39 | Поп тумани, Уйғур ҚФЙ | 38 | 624 |
| 40 | Чуст тумани | 4 | 480 |
| 41 | Чуст тумани | 3 | 1050 |
| 42 | Чуст тумани | 19 | 1020 |
| 43 | Чуст тумани | 39 | 420 |
| 44 | Чуст тумани | 55 | 480 |
| 45 | Чуст тумани, Варзик мактаб-лицейи | — | 300 |
| 46 | Чуст тумани | 12 | 570 |
| 47 | Чуст тумани | 26 | 634 |
| 48 | Чуст тумани, Тошқўрғон ҚФЙ | 30 | 1110 |
| 49 | Норин тумани, Хаққулобод шаҳри | 2 | 760 |
| 50 | Норин тумани, Қозақовул ҚФЙ | 14 | 480 |
| 51 | Норин тумани | 35 | 360 |
| 52 | Норин тумани | 26 | 720 |
| 53 | Норин тумани | 23 | 520 |
| 54 | Чортоқ тумани, Ласкидон ҚФЙ | 5 | 327 |
| 55 | Чортоқ тумани | 7 | 327 |
| 56 | Чортоқ тумани | 11 | 624 |
| 57 | Чортоқ тумани | 26 | 620 |
| 58 | Чортоқ тумани | 31 | 640 |
| 59 | Чортоқ тумани | 21 | 398 |
| 60 | Чортоқ тумани | 48 | 950 |
| 61 | Чортоқ тумани | 16 | 834 |
| 62 | Чортоқ тумани | 53 | 500 |
| 63 | Учқўрғон шаҳри | 40 | 960 |
| 64 | Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙ | 3 | 830 |
| 65 | Учқўрғон тумани, Янгиобод ҚФЙ | 22 | 440 |
| 66 | Учқўрғон тумани, Ҳамза ҚФЙ | 16 | 1040 |
| 67 | Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙ | 33 | 695 |
| 68 | Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод ҚФЙ | 31 | 720 |
| 69 | Янгиқўрғон тумани, Нанай ҚФЙ | 32 | 834 |
| 70 | Янгиқўрғон шаҳри | 11 | 540 |
| 71 | Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙ | 17 | 422 |
| 72 | Янгиқўрғон тумани, Қораполвон ҚФЙ | 37 | 392 |
| 73 | Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙ | 38 | 724 |
| 74 | Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод ҚФЙ | 29 | 450 |
| 75 | Янгиқўрғон тумани, Нанай ҚФЙ | 36 | 417 |
| 76 | Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙ | 13 | 560 |
| 77 | Янгиқўрғон шаҳри | 50 | 834 |
| 78 | Янгиқўрғон тумани, Парамон ҚФЙ | 49 | 744 |

***Буюртмачи:*** *Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи — инжиниринг компанияси.*
***Телефон: (8-369) 226-22-60, 233-77-06.***
*Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи — инжиниринг компаниясига ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.*

**МАЛАКАНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЛАБГОРЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:**

- ❖ *ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва иш (хизматлар)ни бажариш учун зарур мутахассисларга;*
- ❖ *фуқаролик ҳуқуқий қобилиятга ва шартнома тузиш ваколатига;*
- ❖ *шундай танлов предмети объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;*
- ❖ *ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши ва танлов предмети объектида ўз кучи билан бажаришга режалаштирилаётган ишлар ҳажми (фоиз ҳисобида);*
- ❖ *2004-2006 йилда ҳар йили ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган (янги қурилиш ва реконструкция объектларига) ва 200 млн. сўмдан кам бўлмаган (капитал таъмирлаш объектларига) пудрат ишларини бажарганлик.*

*Қайта ташкил бўлган (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки мол-мулклари хатланиб, банкрот ёқасида турган, шунингдек таъсис актлари, молиявий иштироки, холдинг ва бошқа шаклдаги бир-бирига бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки молиявий тобе бўлган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.*

*Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг «ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА»да ўз ифодасини топган.*

*Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга:* ***Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй*** *(Матбуот уйи, 4-қават), 2006 йил 10 октябргача, иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача, мурожаат қилишлари мумкин.* ***Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.*** *Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг беш кундан кечикмай берилади.*

*Ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича таклифлар очилиши 2006 йил 11 октябрь соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади:* ***Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уй.*** *Малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосидан (иккинчи босқичга) ўтган оферентларга танлов ҳужжатларининг тўла тўплами нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.*

*Таклифлар очилиши (иккинчи босқич бўйича) матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:* ***Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.***

***Изоҳ:*** *2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

